

**ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ ИЖТИМОЙ ХАВФСИЗЛИГИНИ  
ТАЪМИНЛАШ МОДЕЛИ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ  
ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ БИЛАН МУВОФИҚЛИГИ**

Шахноза Худайшукуровна Кобилова

Чирчиқ давлат педагогика университети

Педагогика факультети Махсус педагогика кафедраси ўқитувчиси

[kabilovashaxnoza4@gmail.com](mailto:kabilovashaxnoza4@gmail.com)

**Аннотация**

Ушбу мақолада инклюзив таълимни ташкил этиш жараёнида ижтмой хавфсизлик масалалари ёритилган бўлиб, имконияти чекланган ўқувчи (бола)ларни касбий тайёргарлигига эътибор қаратишни таълимни илк кунларидан устувор омил сифатида эътироф этиш зарурлиги, уни амалда янада мувофиқлаштириш, имкониятиларини ошириш учун педагогик таълим инновацион кластери моделига асосан ташкиллаштириш, лозимлиги хусусида сўз юритилган, ҳамда муаллиф томонидан модел таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** Имконияти чекланган бола, инклюзив таълим, педагогик-психологик давомийлик, ҳаёт хавфсизлиги, модел, педагогик таълим инновацион кластери, жараёни, касбий тайёргарлик, интеграция, психологик жараён, хуудларга мажбурий мегарция, ижтмой-психологик кўрсаткич, рухий ва жисмоний саломатлик хавф даражаси.

**Аннотация:**

В данной статье освещаются вопросы социального обеспечения в процессе организации инклюзивного образования, необходимость признания необходимости ориентировать профессиональную подготовку обучающихся (детей) с ограниченными возможностями здоровья как приоритетный фактор с первых дней обучения, осуществлять ее дальнейшую координацию. на практике для увеличения их возможностей на основе инновационной кластерной модели педагогического образования обсуждалась необходимость организации, и автором была предложена модель.

**Ключевые слова:** ребенок с ограниченными возможностями здоровья, инклюзивное образование, педагогико-психологический континуум, безопасность жизнедеятельности, модель, инновационный кластер педагогического образования, процесс, профессиональная подготовка, интеграция, психологический процесс, вынужденная миграция в регионы, социально-психологический показатель, психическое и физическое здоровье уровень риска.

### Abstract

This article highlights social security issues in the process of organizing inclusive education, the need to recognize the need to focus on the professional preparation of students (children) with disabilities as a priority factor from the first days of education, to further coordinate it in practice, to increase their opportunities based on the innovative cluster model of pedagogical education the necessity of organization was discussed, and the author proposed a model.

**Keywords:** Child with disabilities, inclusive education, pedagogical-psychological continuum, life safety, model, innovative cluster of pedagogical education, process, professional training, integration, psychological process, forced migration to regions, socio-psychological indicator, mental and physical health risk level.

Имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг хавфсиз ҳаётга тайёргарлигини шакллантириш жараёнини таълим кластери шароитида ўрганиш ҳолати ва унинг таркибий қисмлари шуни кўрсатдики, бундай тайёргарликни шакллантиришда педагогик-психологик давомий ва узлуксиз ишлар олиб борилиши тақозо этилар экан. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, бу муаммони ҳал қилиш инклюзив таълим жараёнини моделлаштириш билан боғлиқ замонавий педагогик ўзига хосликни акс эттиради.

Бу борада тадқиқотчи В.П.Беспалькони илмий мулоҳазалари аҳамиятли бўлиб, унинг нуқтаи назарича бугунги кунда моделлаштириш усули визуализацияни энг юқори ва махсус шакли сифатида қаралади. Бу тадқиқотчига объектни ўзини эмас, балки унинг баъзи бир аналогларини кўрсатишга имкон беради. Шу билан бирга, воситалаштирилган билиш “маълум жихатдан ўрганилаётган объектни алмаштиришга ва у ҳақида янги маълумотларни тақдим этишга қодир бўлган табиий ёки сунъий тизимлар ёрдамида” амалга оширилади[1], деган ғояни илгари сурган бўлса,

тадқиқотчи В.А.Штофф эса, модел – бу ўрганиш объектини акс эттирувчи ёки қайта ишлаб чиқарувчи, ҳамда объект ҳақида янги маълумот берадиган тарзда алмаштиришга қодир бўлган ақлий ифодаланган ва моддий жиҳатдан амалга оширилган тизимдир, деган илмий қарашни илгари сурган[8].

Тадқиқотчилар А.М.Томсон ва Дж.Л.Перри томонидан модел тушунчасига доир кўплаб илмий мулоҳазалар ўрганилган бўлиб, “концептуал модел” тушунчаси моҳиятини ёритишга уринган ва уни шакллантирилган глобал образ сифатида эътироф этиб, мавжуд жараёнларни турли қисмларини бутун билан боғлаш, ҳамда шунга мос равишда самарали ҳаракат қилиш қобилияти – деган гипотезани илгари сурган[9].

Ушбу моделлаштириш моҳиятининг назарий асосларидан келиб чиққан ҳолда биз илмий тадқиқотимизда инклюзив таълим кластери муҳити, ҳаёт хавфсизлиги масалаларини қуйидагича ифодалаймиз:


- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш жараёни, унинг тузилиши, асосий хусусиятлари, функциялари ва алоқаларини аниқлаш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларининг инклюзив таълимга тайёргарлиги, улар учун яратилган шарт-шароитлар, ҳаёт хавфсизлиги мезонларини мувофиқлаштириш ва ушбу тизимни педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил этиш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг ҳаёт хавфсизлигини шакллантириш жараёни, ҳамда ижтимоий омиллари, истиқболлари ва оқибатларини илмий асослаш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлашда касбий кўникма ва малакасини шакллантириш омиллари ҳамда ижтимоий интеграциясини шакллантириш.

Ушбу тадқиқот ишимизда имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни ҳаёт хавфсизлигини инклюзив таълим жараёнида таъминлашдан иборат бўлиб, у комплекс тизимли хусусиятга эга, ҳамда ижтимоий-маданий, умумий педагогик, психологик, услубий ва шахсий-фаолият компонентларини бирлаштиради. (1-расм).

Имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни инклюзив таълимга тайёрлаш, ҳамда уларни ПТИК (педагогик таълим инновацион кластери) доирасида умумий таълимни ўзлаштириши учун коррекцион дастурлар асосида, истиқболда жамиятни фаол аъзоси бўлиши учун жамиятни ижтимоий-иқтисодий соҳаларига ҳам интеграциясини касбий кўникма ва малакаларини шакллантирган ҳолда йўналтиришимиз мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг, социализация жараёнига таъсир этувчи касбий

тайёргарлик даражалари билан боғлиқ малака ва кўникмаларнинг етишмаслиги бир қатор қийинчиликларни юзага келтириши мумкин. Бу каби ижтимоий масалаларни олдини олиш мақсадида биз ПТИК доирасида инклюзив таълим жараёнида қуйидаги моделни таклиф этамиз:

1-расм



1-расм. Имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни ПТИК доирасида инклюзив касбий тайёргарлик даражаларини ташкил этиш ва ижтимоий хавфсизлигини кафолатлаш модели.

Бу модел ПТИК доирасида имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларининг инклюзив касбий тайёргарлик даражасини ташкил этиш, ҳамда ижтимоий хавфсизлик омиллари масалаларига ижтимоий педагогик нуқтаи назардан таҳлилий ёндашувни тақозо этиб, қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозимлигига урғу беради:

– имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларга касбий йўл-йўриқ кўрсатувчи тиббий-ижтимоий экспертиза мутахассислари томонидан уларни таълим муассасаларига қабул қилишидаги тўғри ва қарши кўрсатмалар тўғрисида маълумотлар бериши;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг инклюзив таълим муассасаларига қабул қилиш учун кўрсатмалар, ҳамда уларнинг аксарияти танланган касбларга ақлий ва жисмоний жиҳатдан жавоб бериш ёки жавоб бермаслиги;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар томонидан танлаган касблар истиқболда уларнинг ҳаёт хавфсизлигига таҳдид жиҳатларини кўлами, яъни руҳий ва жисмоний жиҳатдан юқори босим бериб туриши;

-имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар танлаган касблари уларни социализация жараёнида хавф солувчи омиллари;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар томонидан танлаган касбларни жамият соҳалари билан интеграциясини блоклаш хавфи ёки жисмоний ва руҳий саломатлигига ижтимоий хавфи;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар томонидан танлаган касбини уларнинг имконияти ва қобилияти билан боғлиқ хусусиятлари, яъни шахс олдига касб томонидан қўйиладиган талабларга қай даражада жавоб бериши;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар касбий фаолиятлари уларни шахс сифатида шаклланиши ва ишнинг кейинги истиқболлар билан боғлиқ омиллари;

- имконияти чекланган бола (ўқувчи) учун таълим муассаса ва корхонанинг психосоматик қобилиятлари, махсус бинолар инфратузилмаси, ўқув жойлари учун махсус жиҳозлар ва махсус ўқитиш усуллари ҳамкор ва манфаатдор ташкилотлар билан ҳар томонлама ўрганилиши, ҳамда инклюзив мақсадлари уйғунлиги таъминланишини тақозолайди.

Инклюзив таълимга муҳтож имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни таълим муассасаларига қабул қилишда чекловлар мавжудлиги ва инклюзив касбий тузилмаларининг худудий тармоғи ривожланмаганлиги сабабли

ногиронлар фаолият олиб бориши мумкин бўлган касблар доираси тўлиқ замон талаби даражасида классификацияланмаган. Шунингдек, аксарият ҳолларда, бу уларнинг доимий яшаш жойларидан бошқа ҳудудларга мажбурий мегарциясини юзага келтириб чиқариб, ижтимоий-психологик кўрсаткичлар нуқтаи назаридан уларнинг руҳий ва жисмоний саломатлигига хавф даражасини ошишига сабаб бўлмоқда.

Бу жараён кўриш қобилияти заиф бўлган имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар учун ҳаёт хавфсизлиги даражасини ортишига, ҳамда улар билан турли бахтсиз воқеаларни содир бўлишига олиб келиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар учун ўқув жараёни ва касбий фаолиятини ПТИК доирасида кўриб чиқиш, ижтимоий ечим бўлиб қолмасдан, улар фаолиятини мувофиқлигини кафолатлаган ҳолда ҳаёт хавфсизлиги масалаларини ҳам таъминлайди.

Имконияти чекланган, яъни кўришда нуқсон бўлган бола (ўқувчи)лар ҳаёт хавфсизлиги ва профотбор ва профорентация ишларининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат бўлмоғи лозим:

- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни инклюзив таълимга жалб этиш, ишлаб чиқариш турлари, меҳнат бозорининг ҳолати, иқтисодиётнинг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжлари, касбларни ривожлантириш мазмуни ва истиқболлари, шакллари ва шартлари билан таништириш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)лар учун инклюзив таълим ва касбий фаолият шарт-шароитларни яратиш, ҳамда меҳнат фаолияти жараёнида касбий ўсиш ва ўзини ўзи такомиллаштириш имкониятларини таъминлаш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш асосида касбий ўзини ўзи англаш ва ривожлантиришда фаолиятини мақсадли бошқариш кўникмаларини шакллантириш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни касбий ўзини ўзи белгилашни психологик-педагогик қўллаб-қувватлаш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни доимий касбий таълим ва малака ошириш имкониятларининг ҳудудий ва минтақавий манбаларини ПТИК доирасида ташкиллаштириш;
- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни мунтазам янгиланиб турувчи касбий ва ҳуқуқий маълумотлар билан таъминлаб туришни индивидуал электрон дастурларини инновацион авлодини яратиш, ҳамда касбий фаолиятнинг хусусиятлари ва координаталари мажмуасини ишлаб чиқиш;



- имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларга инклюзив таълим ва жамият касбий соҳалари билан интеграцияси жараёнида касбий ўзини ўзи белгилаш учун психологик ва тиббий, маънавий ва ижтимоий хизматлар тизимини мувофиқлаштириш;

- жамиятда инклюзив таълим ва унинг оммалашуви нуқтаи назаридан имконияти чекланган бола (ўқувчи)ни касбий фаолиятига доир (истикболда касбий рақобат нуқтаи назаридан) номзод шахсига қўядиган касбий талаблар ва мезонлар хусусида маълумотлар бериб бориш, ҳамда мутахассис сифатида ўзини такомиллаштиришга йўналтириш.

Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шароит ва педагогик-психологик ёндашув имконияти чекланган бола (ўқувчи)ни ПТИК доирасида мувофиқлаштирилган инклюзив таълим тизимини ўқитиш ва тарбиялаш стратегияси бўлиб, битирувчиларнинг ижтимоий муваффақиятига, ҳамда, уларни ташқи дунё билан ўзаро интеграциясига қаратилган. Инклюзив таълимдаги коррекцион ўқитиш ва тарбия жараёнида имконияти чекланган бола (ўқувчи)да қуйидаги кадрларни шакллантирадilar:

– ўз-ўзини англаш ва ижтимоий муҳитга мослашиш;

- барча шахсга хос бўлган ҳар хил фаолият турларини яшаб турган атроф-муҳитга шахсий муносабат қарор топдириб, ғамхўрлик ҳиссини барқарорлаш;

- индивидуал ижодий салоҳиятини ривожлантириш;

– ўз имкониятларига тўғри жавоб бериш ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш;

- умумтаълим мактабдан сўнг ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ўқишни ўзлаштириш;

- ўзи давом эттириш истагини қарор топтириш;

- социализация жараёнига таъсир этувчи билим ва кўникмаларни шакллантириш.

Хулоса ыилиб айтадиган бщлсак, юқоридаги ижтимоий-психологик кўникма ва малакаларни имконияти чекланган бола (ўқувчи)ларни шахсида шакллантириш, уларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлашда муҳим устувор масалалардан бўлиб, истикболда инклюзив таълим фаолиятининг асосий натижаси сифатида ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёргарлиги, энг мураккаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва замонавий жамиятда муносиб ўрин эгаллашида катта хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения / В.П. Беспалько. – М.: Новая школа, 1997. – 295 с.
2. Кобилова, Ш. Х., Абдурахимова, Д. (2022). Инклюзив таълимни ташкил этишдаги имкониятлар ва мавжуд муаммолар. Халқаро тажрибалар ва ривожланиш истиқболлари, 1(3), 267-268.
3. Кобилова, Ш. Х., Бобохонова, М. (2022). Кўриш нуқсонига эга шахслар нутқи ва мулоқотининг нутқий бўлмаган воситаларини ривожлантириш усуллари. Образование и наука в XXI веке, 5(24), 579-581.
4. Кобилова, Ш. Х., Икромова, Н. Ф., & Болиева, Н. Т. (2022). Инклюзивное образование и его эффективность в социально-педагогической. Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali, 2(10), 438-440.
5. Кобилова, Ш. Х., Сафарова, Ф. А., & Ахорова, Г. У. (2022). Перспективные возможности внедрения инклюзивного образования в жизнь сообщества. Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali, 2(10), 441-443.
6. Қодирова, Ф. У., Кобилова, Ш. Х. (2021). Таълим кластери асосида инклюзив таълимга жалб этилган ўқувчилар ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш шарт-шароитлари. Муаммо ва уларнинг ечимлари, 2(2), 85-86.
7. Усаров, Ж. Э., Кобилова, Ш. Х. (2022). Инклюзив таълим ва унинг ижтимоий-педагогик омиллари. Халқаро тажрибалар ва ривожланиш истиқболлари, 1(3), 275-277.
8. Штофф В.А. Роль модели в познании / В.А. Штофф. – Л.: Изд-во ЛГУ, 1963. – 127 с.
9. Thomson A.M. Perry J.L. Collaboration Processes: Inside the Black Box / A.M. Thomson, J.L. Perry // Public Administration Review. - 2006. - Vo 1.66.– № s1 - P.20-32
10. Jamoldinova, S. N. (2022). Shaxsning konfliktologik madaniyatini rivojlantirishning pedagogik-psixologik omillari. Harbiy kadrlarni tayyorlashning dolzarb muammolari, 1(1), 214-217.
11. Jamoldinova, S. N. (2022). Methods of resolving ethical conflicts in pedagogical activity. International journal of advanced research in management and social sciences, 22(11), 221-227.



12. Jamoldinova, S. N. (2022). Konfliktli vaziyatlarda nizolashuvcha shaxs toifalari. International research journal PEDAGOGS, 22(6), 128-134.
13. Jamoldinova, S. N. (2022). Conflictology competence of the modern teacher place in the educational process. Research jet journal of analysis and inventions, 22(3), 45-49.
14. Jamoldinova, S. N. (2021). Bo'lajak o'qituvchilarning konfliktologik madaniyatini rivojlantirishning psixologik imkoniyatlari. Filologik tadqiqotlar muammo va yechim, 21(2), 316-318.
15. Jamoldinova, S. N. (2021). Norms of teacher-student relationship to prevent conflict. International interdisciplinary research journal (GIRJ), 21(9), 1007-1009.
16. Musurmonov, R, Jamoldinova, S. N. (2021). Teacher communication as a tool for the prevention of pedagogical conflicts. Pindus journal of culture literature and elt (pjcle), 21(12), 54-55.